

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ Л05-23

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг  
2013 йил “10-йилдик” даги  
“104” сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

**ТУРИЗМ**

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишининг ўкув дастури

Тошкент – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил 20 декабдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган.

**Тузувчилар:** п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов - ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори  
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев - ЎзМУ ҳузуридаги минтақавий марказ директори  
и.ф.д., проф. Г.Н.Ахунова - ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори  
и.ф.н. Х.А.Курбонов - ТДИУ “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси доценти  
к.ўқ. М.Ж.Бауетдинов - ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси  
к.ўқ. Б.А.Рахматуллаев - ТДИУ “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси катта илмий ходим изланувчиси.

**Тақризчилар:** и.ф.д., проф. Т.Ш. Шодиев - ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази бўлим бошлиғи;  
и.ф.д., проф. А.Абдуваҳитов – ТДИУ “Туризм” кафедраси профессори

Ўқув дастурлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 29 ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўtkазишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усусларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикиси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;

- Амалий хорижий тил;
- Тестология асослари;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Ахборот хавфсизлиги.

**Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Туризм иқтисодиёти;
- Халқаро туризм бизнеси;
- Туризм менежменти.

**Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

**Танлов фанлари модули.**

**Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Туризм” таълим йўналишлари ва мутахассислари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Туризм” таълим йўналишлари ва мутахассислари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

**Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;

- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- умумкасбий ва ихтисослик фанлари йўналишлари жараёнлари, қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
  - таълим соҳасидаги инновацияларни;
  - жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
  - умумкасбий ва ихтисослик фанларининг сўнгги ютуқларини;
  - мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
  - ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
  - замонавий таълим методларини;
  - электрон педагогика асосларини;
  - тестология асосларини;
  - туризм иқтисодиётининг илмий-назарий асосларини;
  - туризмни ривожлантириш тенденциялари ва таъсир этувчи омилларни;
  - халқаро туризм бизнеснинг ривожланиш асосларини;
  - туризм менежментининг илмий-назарий асосларини**билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
  - қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
  - таълим сифатини назорат қила олиш;
  - ўқув-методик хужжатларни ярат олиш;
  - таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
  - педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
  - электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
  - педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
  - шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
  - таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
  - ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
  - туризмни ривожлантириш йўллари;
  - халқаро туризм соҳасидаги тенденциялар ва туризм соҳасидаги муаммоларини ечиш йўллари;
  - халқаро туризмда менежментнинг самарадорлиги ва туризм фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш ва бошқариш бўйича **кўнимкамаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишида диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усусларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- туризм иқтисодиёти, туризмни бошқариш ва халқаро туризм бизнесидаги асосий тенденциялар бўйича маъруза ва амалий машғулотларини олиб бориш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гурухларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

### **«Туризм» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

#### **I. Умумий тайёргарлик модули**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимой ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

## **1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-

коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўкув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

## **П. Умумкасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўкув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимиning функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўкув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўкув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўкув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўкув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимиy ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўкув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурний воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўкув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўкув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўкув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўкув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал,

информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик муроқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиялари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

## **2.4. Амалий хорижий тил.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва муроқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида муроқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий муроқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид муроқот. Йириқ, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий гоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

## **2.5. Тестология асослари.**

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёrlари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

## **2.7. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида

техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

## **2.6. Ахборот хавфсизлиги.**

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўкув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўкув мақсадларига мослиги.

# **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

## **3.1. Туризм иқтисодиёти.**

Ўзбекистонда туризм ресурслари. Туризм иқтисодиётининг статистик маълумотлари. Туризм иқтисодиётининг хусусиятлари. Туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш муаммолари. Туристларни жалб қилиш бўйича фаолият режаси. Туризмни ривожлантиришда ҳукумат ва хусусий секторларнинг ўрни. Туристик фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Бозор иқтисодиёти шароитида туристик бизнесни амалга оширишни ташкил қиладиган омиллар.

Ўзбекистонда туризм индустрясининг ҳолати унинг кучли ва заиф томонлари. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш имкониятлари. Маркетинг режаси. Ҳукумат сиёсати. Туристик маҳсулот тушунчаси, туризм индустряси ва унинг таркиби. Хизмат кўрсатувчи корхоналарни жойлашуви бўйича турлаш. Умумий овқатланиш корхоналари, транспорт билан таъминловчи фирмалар, туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотиш бўйича туристик фирмалар. Реклама - ахборот воситалари билан шуғулланувчи туристик корхоналар. Савдо корхоналари.

## **3.2. Халқаро туризм бизнеси.**

Ўзбекистонда халқаро туризмнинг геосиёсий омиллари. Ўзбекистон туризмини ривожланишида Буюк ипак йўлининг тутган ўрни. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Ички туризмни ривожлантириш. Халқаро туризмни ривожлантириш. Туризм миллий

маданияти. Туризмда сиёсий барқарорлик. Туризмнинг иқтисодиёт ривожланишига таъсири.

Стратегик режалаштириш – тадбиркорлик фаолияти. Туризм фирманинг рақобат стратегиясини танлаш. Туристик бозорда фирма стратегиясини ишлаб чиқиши. Туризм ривожлантиришида стратегик мақсадлар. Туристик фирманинг рақобат стратегияси. Туризм машаллий ресурслари. Халқаро туризм имкониятлари. Туризм инфраструктураси. Туризм районлари. Туризм бизнеси. Турмаҳсулот тузиш. Туризм бозорида стратегия танлаш.

Ўзбекистонда туризм индустриясининг ҳозирги аҳволи. Туристик бозор ривожланиши. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланишининг истиқболлари. Туризм инфраструктурасини ривожлантириш. Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари ва бойликлари. Туризм архитектура ёдгорликлари. Мехмондўстлик анъаналари. Диний туризм ривожланиши. Буюк Ипак Йўли бўйлаб туризм. Тошкент туристик ярмаркаси. “Ўзбектуризм” Миллий Компаниянинг халқаро ташкилотлар билан алоқалари. Ўзбекистонда туризм ривожлантиришида бутун жаҳон туристик ташкилотининг роли.

Маркетинг – туризм соҳасида иқтисодий кўрсаткичлари. Туризм бозори ҳолатини маркетинг таҳлили. Ўзбекистон туризм бозорида турмаҳсулот сотишнинг истиқболлари. Миллий туристик маҳсулот. Тур маҳсулот маркетинги. Бозор конъюктураси. Туризм маҳсулотига талабни таҳлил қилиш. Туризмда реклама. Ўзбекистонда хорижий туризм ривожининг динамикаси. Туризм худудий бозорларини ажратиш. Туризм бозорини сегментлаш.

### **3.3. Туризм менежменти.**

Иқтисодиётни либерализациялаштиришда туризмни бошқариш зарурлиги. Менежментда замонавий бошқарув муаммолари. Илмий бошқарув таълимот мактаби. Менежментда жараён бошқаруви. Менежментда тизимли ёндашув. Бошқарувда ташқи ва ички ўзгаришлар таъсири. Ривожланиш стратегияси ва режалаштириш. Туризмда ишчи кучини бошқариш. Туристик ташкилотларни бошқаришнинг иқтисодий механизми. Туризмнинг бошқарув обьекти сифатида ўзига хослиги. Халқаро меъёрлар асосида туристик фирмаларни бошқариш асослари.

Иқтисодиётда туризмни бошқариш тизими. Саёҳлик тизими ва ташқи муҳитнинг ўзаро таъсири. Туризм ривожланишида номутоносибликларни бартараф этиш. Туризм ҳудудлари, ташкилотлари ва корхоналари. Ижтимоий соҳа ва туризм. Экскурсиянинг туризм ривожланишига таъсири. Туристик ҳудуднинг рақобатборо дошлигини ошириш. Чизиқли ташкилий тузулма. Туризмни бошқаришнинг таркибий тузилиши. Фирмани бошқаришнинг кичик гуруҳларга бўлиниши. Туризмни бошқаришдаги илғор технологиялар ва уларни жорий қилиш тартиби.

Туристик фаолият билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар. Давлат томонидан туризм ривожланишини назорат қилиш. Бошқарувни ташкил қилишда ривожланган мамлакатлар тажрибаси. Хорижий мамлакатларда туризм

ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш механизми. Туризмни ривожлантиришда давлат томонидан ишлаб чиқилган дастурлар. Он-лайн системасининг туризм бошқарувидаги ўрни. Мехмонхоналарни бошқаришда ташкилий тузулмани ўрганиш. Туристик фаолиятни давлат томонидан назорат килишда солиқ механизмини такомиллаштириш.

## **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.**

Олий таълим тизими инфраструктураси. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўкув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

### **4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.**

Олий таълим муассасаси ўқитувчиши шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

## **V. Танлов фанлари модули**

Умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, тестология асослари, ахборот хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, туризм иқтисодиёти, халқаро туризм бизнеси, туризм менежменти,, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илгор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

## **Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмuni танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмuni:

- тавсия қилинган адабиётларни мutoала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслекларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мutoала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмuni ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:**

- Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитиши лойиҳалаш.
- Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.

- Педагогик дастурний воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурний воситаларнинг дидактик имкониятлари.
- Педагогик дастурний воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.
- Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.
- Ўзбекистонда меҳмонхона бизнесини ривожлантириш истиқболлари
- Ўзбекистон меҳмонхоналарида овқатланиш жараёнининг ривожланиши
- Туристик маршрутларни ташкил қилишда меҳмонхона хўжалиги ва уни бошқаришни такомиллаштириш.
- Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва уни хусусиятлари.
- Меҳмонхона индустриясининг замонавий ривожланиши.
- Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш йўллари.
- Ўзбекистонда меҳмонхона хизмати менежментини ривожлантириш йўллари.
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туристик корхоналарнинг хусусиятлари.
- Меҳмонхона индустрияси ташкилотларида персонални бошқариш.
- Туризмни ривожланишида меҳмонхона бизнесининг аҳамияти.
- Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда сармояларнинг аҳамияти.
- Туризм менежментини шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.
- Туризмда стратегик бошқарув жараёни.
- Туризмни ривожлантиришда информацион технологияларни аҳамияти.
- Туризм менежментини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги.
- Туризмни ривожланишида инвестицияларни ўрни.
- Ресторанларда туристларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.

### **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методларини, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши:

- модулларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илгор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутади.

## **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил, 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлар миллий Дастури.
4. “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
6. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2011.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2010.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. –Т.: 2008.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
16. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
17. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
18. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
22. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. - 218 б.
23. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўллон: 2005 й. - 213 б.
24. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
25. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996.- 218 с.
26. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. “Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок”. МВССО. Т.,2002.- 98 с.
27. Саттаров И., Б.Ғ.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов.“Компьютерда лаборатория ишлари”. Т. ТДПУ нашриёти. 2002 й.- 143 б.
28. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиций асослари – Т.: 2006 й. - 163 б.
29. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.,ЎзРФА «Фан», 2003 й. - 176 б.
30. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г.- 92 с.
31. Юлдашев У.Ю.Боқиев Р.Р. Зокирова Ф.М.Информатика-Т.,2002 й. -163 б.
32. Қ. Усмонов, М. Содиқов.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. – Т.: Иқтисод-молия, 2006.
33. Муртазаева Р.Х. История Узбекистана. Учебник. -Т.: 2005.
34. Исломов З.М. Ҳукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўкув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.
35. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Тошкент: ТДЮИ, 2002, 7 б.
36. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.;Шарқ, 2002.- 320 б.
37. Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳукуқ назарияси таъриф ва чизмаларда: Ўқув қўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.
38. Алиева М.Т., Умаржанов А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти. Дарслик Тошкент, 2005 й.
39. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. -М.: 2000.
40. Ирматов М.М. Алиева М.Т. ва бошқалар Туризмни режалаштириш Тошкент, 2005.
41. Алиева М.Т., Ҳўжаев Ў.Х. Ҳалқаро туризмда сиёsatни шакллантириш Тошкент, 2005.

42. Stephen J Page, Paul Brunt, Graham Busby and Jo Connell, Tourism: a modern synthesis, Printed in Italy by G. Canale & Co 2001.

43. Medlik, Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality. Printed and bound in Great Britain by Biddles Ltd -3<sup>rd</sup> ed, 2003.

### **Интернет маълумотларн:**

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.uz
4. www.press-uz.info
5. www.infocom.uz
6. www.ziyonet.uz
7. www.edu.uz
8. www.tdiu.uz
9. www.lex.uz
10. www.norma.uz
11. www.stat.uz
12. www.mf.uz
13. www.soliq.uz
14. www.welcomeuzbekistan.uz
15. www.uzbektourism.uz